

## Ўзбекистон Республикаси номидан

### ҳ у к м

2023 йил февраль ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси С.Ҳамроқуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси О.Пўлатов ва А.Махмудовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хонқа туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Камилов, жабрланувчи Б.Кабулов ва судланувчи С.Шариповнинг иштирокида, судланувчи Шарипов Санъат Жуманазаровичга оид 1-2209-2301/9-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Шарипов Санъат Жуманазарович (Sharipov San'at Jumanazarovich), 1982 йил 1 июль куни Хоразм вилояти, Хонқа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, “Best Lift Trans” МЧЖда ҳайдовчи бўлиб ишлайди, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1. ЖИБ Хонқа туман судининг 21.08.2003 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, шу суднинг 29.12.2003 йилдаги ажрими билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.12.2003 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармонига асосан жазодан озод қилинган;

2. ЖИБ Кўшкўпир туман судининг 10.09.2004 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди ва 267-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57,59-моддалари тартибида 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, ЖИБ Тахтакўпир туман судининг 03.05.2006 йилдаги ажрими билан, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

3. ЖИБ Урганч туман судининг 19.04.2010 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3.768.000 сўм жарима жазосига судланган;



4. ЖИБ Урганч шаҳар судининг 15.11.2011 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 165-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 3.768.000 сўм жарима ва 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, ЖИБ Хонқа туман судининг 21.06.2012 йилдаги ажрими билан, ЖКнинг 44-моддасига асосан тайинланган 7.768.000 сўм жарима жазоси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 3 йил 9 ой 22 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖИБ Қўнғирот туман судининг 11.03.2013 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 6 ой 22 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ЖИБ Боғот туман судининг 18.04.2014 йилдаги ажрими билан, ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 5 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган;

5. ЖИБ Самарқанд шаҳар судининг 07.07.2015 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 13.04.2016 йилдаги ажрими билан, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан шартли озод қилинган;

6. ЖИБ Янгиариқ туман судининг 12.01.2022 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, ўталмаган жазоси 2 йил 5 кунни ташкил қилади, Хонқа тумани, Навхос қишлоғи, Нурафшон маҳалласида яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 16 январь куни олган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

#### **а н и қ л а д и:**

Шарипов Санъат Жуманазарович, муқаддам жинойт ишлари бўйича Янгиариқ туман судининг 2022 йил 12 январдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, тайинланган жазони ўтаб келаётган бўлишига қарамасдан, бундан ўзига тегишли ижобий хулоса чиқармасдан 2022 йил 7 октябрь куни соат 10:40ларда бошқарувида бўлган “Нексия-1” русумли, “90 402 FBA” давлат рақам белгили автомашинани 4P-156-сонли “Ҳазорасп-Урганч” автомобиль йўлининг 52 километрида тегишли ҳужжатларсиз хавфсизлик камарини тақмасдан бошқариб келаётганлиги учун Ҳазорасп буюм бозори олдида Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ бўлинмалари ЙПХ батальони 4-сафарбарлик гуруҳи йўл-патрул хизмати инспектори Б.Кабулов томонидан тўхтатилиб, автомашинани вақтинча сақлаш учун жарима майдонига жойлаштирилишини айтганида, унинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, ўз хизмат бурчини бажарган инспектор Б.Кабуловга уятли сўзларни айтиб, унинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаб, ҳақорат қилган.

Судланувчи С.Шарипов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йил 7 октябрь куни эрталаб ўзига бириктирилган “Исузу” русумли автомашинани бошқариб келаётганида, юк автомашинасида носозлик бўлганлиги сабабли автомашинани Ҳазорасп туманидаги устахонага олиб кирганлигини, усталар автомашинага эҳтиёт қисм кераклигини айтганлиги сабабли танишининг “Нексия-1” русумли автомашинасини бошқариб эҳтиёт қисмлари дўконига борганлигини, савдо дўконига керакли эҳтиёт қисмларини олиб турганида турмуш ўртоғи М.Бекчанова телефон қилиб, кизи С.Жуманазарованинг 2 ойлик фарзанди яъни неварасини вафот қилганлигини ва тезда етиб келишини сўраганлигини, шу сабабли соат 10:40 ларда танишига тегишли бўлган “Нексия-1” русумли 90 402 FBA давлат рақамли автомашинани “4P-156 Ҳазорасп-Урганч” автомобиль йўлининг 52 километрида бошқариб бораётганида “Ҳазорасп буюм бозори” олдида йўл-патрул хизмати инспектори тўхташ ишорасини берганлигини, автомашинани тўхтатганидан сўнг ЙПХ инспектори ўзини таништириб автомашина ҳужжатларини тақдим қилишни сўраганлигини, унга ёнида тегишли ҳужжатлар йўқлиги сабабли ҳужжатлар шу ерда турган юк автомашинасида қолганлигини билдирганлигини, шундан сўнг ЙПХ ходими унинг шахсини аниқлаб, тегишли ҳужжатларсиз автомашина бошқариш мумкин эмаслигини, ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик



тўғрисида баённома расмийлаштириб, автомашинани вақтинча сақлаб туриш учун жарима майдончасига жойлаштиришини тушунтириб, автомашинага ўтиришини сўраганлигини, шошиб турганлиги сабабли автомашинага ўтирмаслигини айтиб, автомашинадаги ўзига тегишли буюмларни олиб ЙПХ инспекторига автомашинани ўзи жарима майдонига олиб боришини айтиб асабийлашганлигини, сўнг жаҳл устида унга уятли сўзлар айтганини, ЙПХ инспектори унинг оғзидан спиртли ичимлик ҳиди келиб турганлигини айтиб, тиббий кўриқдан ўтишга олиб боришини билдирганлигини, шу вақтда уни яна такроран уятли сўзлар билан ҳақоратлаб у ердан кетганини, шу куни у неварасининг вафот этганини эшитиб жаҳл устида ЙПХ инспекторини уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, жабрланувчидан кечирим сўрашини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Б.Кабулов судда, у 2021 йил сентябрь ойидан 2022 йил ноябрь ойига қадар Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЙҚХБ 4-сафарбарлик гуруҳи инспектори, 2022 йил ноябрь ойидан бугунги кунга қадар Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЙҚХБ 2-сафарбарлик гуруҳи инспектори лавозимида ишлаб келишини, хизмат вазифаларига йўл транспорт ходисасини олдини олиш, йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчиларга белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштириш ва бошқалар киришини, Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЙҚХБ 4-сафарбарлик гуруҳи инспектори лавозимидаги фаолияти давомида 2022 йил 7 октябрь куни эрталабки йўриқномадан сўнг 4Р-156 “Ҳазорасп-Урганч” автомобиль йўлига хизматни ўташ учун тақсимланганлигини, 4Р-156 “Ҳазорасп-Урганч” автомобиль йўлининг 52 километрида Ҳазорасп буюм бозори олдида хизмат вазифасини ўтаётган вақтда соат тахминан 10:40 ларда 4Р-156 “Ҳазорасп-Урганч” автомобиль йўлидан ҳаракатланиб келаётган “Нексия-1” русумли 90 402 FBA давлат рақам белгили автомашина ҳайдовчиси хавфсизлик камарини тақмасдан ҳаракатланиб келаётганлиги сабабли ҳуштак ва жезл ёрдамида тўхтатганлигини, автомашина ҳайдовчисига ўзини таништириб, содир қилган қоидабузарлигини тушунтириб, тегишли ҳужжатларини тақдим қилишини сўраганида, тегишли ҳужжатлари ёнида йўқлигини, ҳужжатлари бошқа автомашинада қолганлигини билдирганлигини, шундан сўнг ҳайдовчининг шахсини аниқлаш мақсадида унинг исм ва фамилиясини, туғилган йилини сўраганида, ҳайдовчи ўзини Шарипов Санъат Жуманазарович деб таништирганлигини, шунда у С.Шариповга тегишли ҳужжатларсиз автомашина бошқариш мумкин эмаслигини, унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштириб, автомашинани вақтинча сақлаб туриш учун жарима майдончасига жойлаштиришини тушунтириб, автомашинага ўтиришини сўраганида, С.Шарипов қонуний талабини бажармасдан, автомашинага ўтирмаслигини айтганлигини, автомашинадаги ўзига тегишли буюмларини олиб, автомашинани ўзи жарима майдонига олиб боришини ва унга ножўя уятли сўзлар айтиб воқеа жойидан кетмоқчи бўлганини, шунда унинг оғзидан



спиртли ичимлик хиди келиб турганлиги сабабли, уни тиббий кўриқдан ўтишга таклиф қилганида, унинг қонуний талабини бажаришдан бўйин товлаб, уни яна шаънига тегадиган уятли сўзлар билан ҳақоратлаб кетиб қолганлигини, кейинчалик бўлиб ўтган ҳолат юзасидан С.Шариповга мастлик ҳолатида тегишли ҳужжатларсиз, хавфсизлик камарини тақмасдан автомашина бошқарганлиги ва тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортганлиги бўйича UZ-20-серияли 90-102984-рақамли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирганлигини, С.Шарипов воқеа жойидан кетиб қолиб, маъмурий баённомага имзо қўймаганлиги сабабли шу ерда воқеани гувоҳи бўлиб турган фуқаро М.Анёзов ва А.Хўжаевлар иштирокида С.Шариповнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага имзо чекмаганлиги ҳолати юзасидан далолатнома расмийлаштирганлигини, шундан сўнг фуқаро Э.Курбонов ва Ш.Оллабергановлар иштирокида С.Шарипов бошқариб келган “Нексия” русумли, давлат рақам белгиси 90 402 FBA бўлган автомашина кўздан кечирилганда, автомашинада қимматбаҳо буюмлар ва пул маблағлари йўқлиги аниқланиб, автомашина вақтинчалик сақлаш учун эвакуатор ёрдамида Ҳазорасп туманида жойлашган жарима майдонига олиб борилиб жойлаштирилганлигини, С.Шарипов уни хизмат бурчини бажараётган вақтда ҳақоратлаб, ички ишлар органлари ходимларини обрўсизлантирганлиги учун унга қонуний чора кўришни сўраб, Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЙҚХБ бошлиғи Б.Машарипов номига билдирги тақдим қилганлигини, унинг билдиргисига асосан Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЙҚХБ томонидан унга нисбатан хизмат текшируви ўтказилганини, унга бириктирилган 90Y042-рақамли “BODY” камера тасвирларида С.Шарипов уни ҳақорат қилганлиги маълум бўлганлигини, судланувчи уни ҳақорат қилганлиги бўйича ундан кечирим сўраганлигини, унга даъвоси йўқлигини, судланувчига қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисига келмаган гувоҳ М.Анёзовнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганда судланувчи С.Шарипов томонидан тасдиқланиб, ҳеч қандай эътироз билдирилмади.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчи ва судланувчининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Шарипов Санъат Жуманазаровичнинг жиноят содир этганликдаги айби, судланувчи ва жабрланувчининг судда берган кўрсатувлари, суд мажлисига келтириш имкони бўлмаган гувоҳнинг судда ўқиб эшиттирилган дастлабки терговдаги кўрсатувлари, Б.Кабуловнинг 07.10.2022 йилдаги билдиргиси, С.Шариповга нисбатан 07.10.2022 йилда расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, Б.Кабуловнинг ҳаракатлари юзасидан ўтказилган 22.10.2022 йилдаги хизмат текшируви хулосаси, жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман судининг 10.01.2023 йилдаги С.Шариповга маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори, Б.Кабулов фойдаланувида бўлган 07.10.2022 йилдаги “BODY” камерага ёзиб олинган Б.Кабулов ва С.Шарипов ўртасида бўлиб ўтган суҳбат жараёнининг видео ёзувлари туширилган диск ҳамда дискни



кўздан кечириш ва эшитиб кўриш ҳақидаги баённома, суд-лингвистика экспертиза хулосаси ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа ёзма далиллар билан тўлиқ исботланган деб топади.

Суд, судланувчи Шарипов Санъат Жуманазаровичнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан жабрланувчини ўз хизмат бурчини бажариши муносабати шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, ҳақорат қилганликда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, лекин ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми “б” банди билан ортиқча айб қўйилганлиги сабабли, ушбу банд билан қўйилган айбни чиқариб ташлашни лозим топади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 20-бандида, хавфли рецидив жиноят деб топишни қонун шахсининг илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин унга айнан ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этиши билан боғлаши, айнан ўхшаш жиноятлар деганда, шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган (агар моддада бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса), шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган (агар моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса, масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари) жиноятларни янгидан содир этиш тушунилиши лозимлиги, жиноят қонунида алоҳида назарда тутилган айрим ҳолларда, шахс илгари судланган жиноятларга айнан ўхшаш бўлмаган янги жиноятнинг қасддан содир этилиши ҳам хавфли рецидив жиноят деб топилиши (масалан, ЖК 105, 118, 119, 210, 211, 212, 274, 276-моддалари иккинчи қисмлари, 104, 164, 213, 214, 273-моддалари учинчи қисмлари, 131-моддаси тўртинчи қисми) тўғрисида тушунтириш берилган.

Жиноят иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи С.Шарипов муқаддам ЖКнинг 140-моддаси билан судланмаган ҳамда айнан ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этмаган.

Ушбу ҳолатда судланувчи С.Шариповни шахсининг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб хавфли рецидив жиноятини содир қилганликда айблаб бўлмайди.

Юқоридагиларга асосан суд, судланувчи С.Шариповнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми “б” банди билан қўйилган айбни чиқариб ташлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки



бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги №01-сонли "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак"лиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридан қайд этилган Қонун ва Пленум қарори талабларига мувофиқ судланувчи С.Шариповга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва содир этилган жиноятининг характерини инобатга олиб, унинг айбига тўлиқ иқроп ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, 4 нафар фарзанди борлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг қилмишида жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, шунингдек унга тайинланаётган жазога жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман судининг 2022 йил 12 январдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган 2 йил 5 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 60-моддаси тартибда қисман қўшиб, узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Суд шунингдек, судланувчи С.Шариповга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим деб топди.

Шунингдек суд, ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган 1 дона дискни ва суд-лингвистика экспертизаси хулосасини жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олишни ва жиноят иши билан бирга қўшиб сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### **х у к м қ и л а д и:**

Шарипов Санъат Жуманазарович (Sharipov San'at Jumanazarovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Шарипов Санъат Жуманазаровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми "а" банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Шарипов Санъат Жуманазаровичга жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман судининг 2022 йил 12 январдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган 2 йил 5 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 60-моддаси



тартибида мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, жазо ижросини амалга оширувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмни ижро қилиш Хонқа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Судланувчи С.Шариповга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган 1 дона диск ва суд-лингвистика экспертизаси хулосаси жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин ва жиноят иши билан бирга қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нухасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида ушбу суд орқали Хоразм вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи судья**

**С.Ҳамроқулов**

